



ESG банк секторида барқарор ривожланиш омиллари: Ўзбекистон тижорат банклари мисолида таҳлил

Esanov Farrux Xamidovich
Bank-moliya akademiyasi
esanovfarrukh@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0009-0000-9685-4366>

Ўзбекистон банк секторида ESG (Environmental, Social, Governance) тамойилларининг жорий этилиши мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги, молиявий инклюзивлик ва корпоратив бошқарув сифатини оширишда асосий драйверлардан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон банкининг 2023 йилги ҳисоботида таъкидланишича, ESG стандартларига мос фаолият юритган банклар кредит таваккалчиликларини 12–18 фоизга камайтирган ва корпоратив репутацияни яхшилаш орқали инвесторлар ишончини оширган. Ривожланаётган бозорлар қаторида Ўзбекистон ҳам ESG стандартларини миллий молия тизимига интеграция қилишни устувор вазифа сифатида белгилади, айниқса “Яшил иқтисодиёт” концепцияси ва “Стратегия–2030” доирасида экологик инвестициялар ва ижтимоий лойиҳаларга банклар иштирокини кенгайтириш мақсад қилинган. Мамлакатда рақамлаштириш жараёнларининг чуқурлашиши, корпоратив бошқарувни халқаро тажрибага мослаштириш ва ижтимоий масъулиятга доир талабларнинг ошиши банкларни ESG ёндашувни амалий механизм сифатида қабул қилишга мажбур этмоқда.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистон тижорат банкларида ESG сиёсати босқичма-босқич шаклланиб, айрим банклар томонидан яшил кредитлар, энергия тежамкор лойиҳаларни молиялаштириш, экологик таваккалчиликларни баҳолаш сиёсати жорий этилди. Хусусан, “Ипак Йўли” банки 2021 йилдан бошлаб қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини молиялаштиришда етакчи ўринлардан бирига чиқди, “Агробанк” эса қишлоқ хўжалиги соҳасида ESG талабларига мос лойиҳалар учун алоҳида кредит линияларини очди. Бу тенденция мамлакат банклари фаолиятида ESG принципларининг амалиётга кўчиши ва глобал молия бозорлари билан интеграция даражасининг ошганидан далолат беради. Бироқ соҳадаги тўсиқлар ҳам мавжуд: ESG маълумотларини тўплаш ва валидация қилиш механизмларининг йўқлиги, жамоатчилик хабардорлигининг пастлиги, ESG рейтинг агентликлари билан ҳамкорликнинг чекланганлиги ва ESG таваккалчиликларни баҳолаш методологиясининг стандарт эмаслиги банкларнинг тўлиқ ESG интеграциясига тўсқинлик қилмоқда.

Жадвал 1.

Ўзбекистон тижорат банкларида ESG индикаторлари динамикаси (2019–2024) (миллиард сўмда)

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Яшил кредитлар умумий портфелдаги улуши (%)	1.8	2.3	3.5	4.7	6.4	8.1
Ижтимоий лойиҳаларга ажратилган маблағлар	520	680	910	1150	1430	1670
ESG корпоратив ҳисобот тайёрлаган банклар сони	2	4	6	9	13	17

Жадвалда кўринадиги, ESG фаолияти билан банд банклар сони 2019 йилдаги 2 тадан 2024 йилда 17 тагача ошган, бу эса ESG сиёсатининг институционаллашуви ва банк секторининг халқаро стандартларга мослашиб бораётганини тасдиқлайди. Яшил кредитлар улушининг 1.8 фоиздан 8.1 фоизгача ўсиши иқтисодиётда экологик лойиҳаларга бўлган талаб ошганини кўрсатади.

Ўзбекистонда ESG тамойилларини жорий этиш жараёнини чуқур таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, асосий муаммолар корпоратив бошқарув ва маълумот шаффофлиги соҳасида



тўпланмокда. Хусусан, ESG ҳисоботлари бўйича ягона миллий стандартнинг мавжуд эмаслиги банкларни халқаро рамкалар (GRI, SASB, TCFD)дан пароканда тарзда фойдаланишга олиб келмокда. Бу эса маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ESG маълумотларини таққослаш жараёнини қийинлаштиради. Шу билан бирга, барча тижорат банкларида ESG учун махсус департаментлар ташкил этилмаган, ESG компетенцияларига эга кадрлар етишмаслиги ҳам муҳим тўсиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, ESG-кредит таваккалчиликларни баҳолашни кредит скоринги тизимида интеграция қилиш иқтисодий юклама талаб қилади ва бу кичик банклар учун эҳтимолий тўсиқ бўлиши мумкин.

Жадвал 2.

Ўзбекистон банкларида ESG омилларининг кредит портфели сифатига таъсири (2020–2024)

Йил	ESG сиёсати мавжуд банкларда муаммоли кредитлар улуши (%)	ESG сиёсати мавжуд эмас банкларда NPL улуши (%)
2020	4.8	6.9
2021	4.3	7.2
2022	3.9	7.8
2023	3.5	8.1
2024	3.1	8.4

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ESG сиёсатига эга банкларда муаммоли кредитлар улуши ESG сиёсати мавжуд бўлмаган банкларга нисбатан 2-5 фоиз паст. Бу ESG талабларига амал қилиш кредит портфели барқарорлигини оширишини амалиётда исботлайди. Хусусан, экологик таваккалчиликларни баҳоламаган корхоналарга берилган кредитлар юқори NPL кўрсаткичларига эга бўлгани кузатилган. Ўзбекистонда ESG бўйича қонунчилик базасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. 2024 йилда қабул қилинган "Яшил таксономия" концепцияси банклар учун экологик лойиҳаларни баҳолаш мезонларини белгилаб берди, аммо корпоратив ESG ҳисоботида оид мажбуриятлар, ESG аудити, ESG риск-менежмент тизимлари юзасидан ҳуқуқий механизмлар тўлиқ ишланмаган. Бу ечимлар банклардан ESG стратегияларини босқичма-босқич янгилаш, халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик қилиш, ESG маълумотларни рақамлаштириш, экологик ва ижтимоий лойиҳалар учун махсус кредит линиялари очишни талаб этади.

Ўзбекистонда ESG сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши бу кредит таваккалчиликларини қайта баҳолаш механизмларини модернизация қилиш билан боғлиқ. Экологик таваккалчиликлар, айниқса, сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, юқори энергия истеъмолига эга корхоналар, иқлим ўзгаришига сезувчан тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, энергия ва кимё саноати) учун молиялаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ESG риск-скринингни кредит бериш жараёнига интеграция қилган банкларда NPL даражаси ўртача 20 фоизга камайган ва кредит портфели диверсификацияси яхшиланган. Ўзбекистон шароитида ҳам ESG билан боғлиқ экологик ва ижтимоий факторларни кредит ривю жараёнларига қўшиш банк ресурсларининг самарали тақсимланишини таъминлайди ва хавфли лойиҳаларни молиялаштириш эҳтимолини пасайтиради.

Ўзбекистон банк секторининг ESG тамойилларига интеграцияси мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисмига айланиб бормокда. Сўнгги йилларда яшил кредитлар улуши, ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми ва ESG ҳисоботларининг сони кескин ошган. ESG сиёсатини қабул қилган банкларда кредит портфели сифати юқорирок эканлиги амалиётда тасдиқланди. Бироқ ESG инфратузилмаси - стандартлаштирилган ҳисобот тизими, ESG рейтинглари, ESG риск-менежмент стандартлари, ESG кадрлар салоҳияти - ҳали етарли даражада эмас. ESGни чуқур жорий этиш банклар учун инвестицияларга ечим, таваккалчиликларни камайтириш воситаси ва глобал молия бозорларига чиқишда стратегик афзаллик сифатида намоён бўлади.